

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил октябрь ойининг 24 куни Андижон шаҳар “Шўрбулоқ” МФЙ маъмурий биносида очик-сайёр суд мажлисида раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси М.Турдиева, судья ёрдамчиси Х.Жалиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурор катта ёрдамчиси Ш.Адашев, судланувчи З.С ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Рўзиев, судланувчи С.Г ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Зияев, жабрланувчилар А.Г ва С.Снинг иштирокида,

1. С.З.Н (S.Z.N) 01.01.1994 йилда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, давлат мукофотлари олмаган, Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ, Хартум кўчаси 37-уйда яшайди, иш бўйича «шахсий кафиллик» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 03.10.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан;

2. Г.С.С (G.S.S) 21.04.1980 йилда Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, давлат мукофотлари олмаган, Андижон шаҳар, Илғор МФЙ, Салоҳият кўчаси 250-уйда яшайди, иш бўйича «шахсий кафиллик» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 03.10.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган № 1-1701-2404/824-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2024 йил 17 июль куни соат 20:00ларда ўзи истиқомат қилиб келаётган Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ, Хартум кўчаси, 37-уйда ўзига олдиндан таниш бўлган қайин отаси Г.А.Э билан оилавий келишмовчиликлар сабабли ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида унинг бош, елка ва қўл қисмларига тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган жисм билан уриб, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 29.07.2024 йил кунги 5511-сонли хулосасига кўра А.Гга “бош мия ёпиқ шикасати, бош энса



соҳаси йиртилган, тикилган лат яраси, ўнг қўл елка, билак соҳаси шилинмалари” каби соғлигининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

2024 йил 17 июль куни соат 20:00 ларда Андижон шаҳар, Ишчилар МФЙ, Хартум кўчаси 37-уйда ўзига олдиндан таниш бўлган қудаси С.С.К билан оилавий келишмовчиликлар сабабли ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида унинг бош қисмига бир неча маротаба уриб, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертizasининг 11.09.2024 йил кунги 5557-сонли хулосасига кўра С.Сга “калла мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, бош юмшоқ тўқимасини лат ейиши, ўнг билакдаги қонталаш жароҳат”лари каби соғлигининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Дастлабки тергов органи томонидан С.З.Н ва Г.С.Слар Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Судланувчи З.С суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчини соғлигини тиклашда моддий ёрдам бергани ва етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб, жабрланувчидан кечирим сўраб, у билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, бу ҳақда судга ариза тақдим қилди ва ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи С.Г суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчини соғлигини тиклашда моддий ёрдам бергани ва етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб, жабрланувчидан кечирим сўраб, у билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, бу ҳақда судга ариза тақдим қилди ва ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Г суд мажлисида, ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, жанжал вақтида тан жароҳати олгани ва ҳозирда соғлиги яхшилигини, З.С ёрдам берганлиги, моддий зарари тўлиқ қоплангани, ярашувга ихтиёрий рози бўлиб, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини билдириб, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўраб, судга ариза тақдим этди ва ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдирди.

Жабрланувчи С.С суд мажлисида, ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, жанжал вақтида тан жароҳати олгани ва ҳозирда соғлиги яхшилигини, С.Г ёрдам берганлиги, моддий зарари тўлиқ қоплангани, ярашувга ихтиёрий рози бўлиб, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини билдириб, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўраб, судга ариза тақдим этди ва ярашув суд томонидан



тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига кўра, ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи А.Г, С.С ҳамда судланувчи З.С ва С.Г томонидан тақдим қилинган аризаларни жиноят иши материалларига қўшиб ўрганиб чиқиб, уларнинг ярашувлари ихтиёрий эканлигини, судланувчилар ўз айбига тўла иқдор ва чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, зарарлар тўла қопланганлигини, уларга ярашув даврида ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганлигини, судланувчилар З.С, С.Г ҳамда жабрланувчилар А.Г, С.С билан ярашувга рози эканликларини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 27-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосланган ҳолда З.С ва С.Гларни ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини уларнинг айблилик масаласини хал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган **С.З.Н (S.Z.N) ва Г.С.С (G.S.S)** жабрланувчилар билан ярашиб олганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан уларнинг айблилик масаласи хал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

З.С ва С.Гга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, айбланувчилар ва жабрланувчилар ажрим нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

М.Турдиева

